



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIJ VA DITTA MAKSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



BUXORO
DAYLAT
UNIVERSITETI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

ЗАМОНАВИЙ КИМЁНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги
хорижий олимлар иштирокидаги онлайн
илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

2020 йил 4-5 декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

“ЗАМОНАВИЙ КИМЁНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги

**Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокидаги онлайн
илмий-амалий анжумани**

ТЎПЛАМИ

Бухоро, 2020 йил 4-5 декабрь

Бухоро- 2020

**КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ**

Шарипова Л.О.

Бухоро давлат университети

Кимё саноатида кимёвий хавфли объектлар (КХО) зарур моддалар, кимёвий бирикмалар ишлаб чиқариш фаолияти билан муҳим ўрин эгаллайди. Бундай корхоналар юртимиз иқтисодиётига катта фойда келтириши билан биргаликда, аҳоли учун бир қанча хавф ҳам туғдиради.

Кимёвий хавфли объектлар синфига фақат заҳарли моддалар ишлаб чиқарадиган катта корхоналар эмас, балки ўзида кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЭЗМ) ишлатадиган, сақлайдиган, ташиладиган бошқа корхоналар ҳам киритилади. Улар аҳолига кимёвий авариялар билан хавф солади. Кимёвий авария деганда атроф- муҳитга кучли таъсир этувчи заҳарли модда тўкилиши ёки ҳавога чиқиши натижасида инсонларни заҳарланишига ёки нобуд бўлишига, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари, ўсимликлар ва атроф муҳитни кимёвий заҳарланишига олиб келувчи авария тушунилади. Авария вақтида атроф-муҳитнинг заҳарланишига, тирик организмларнинг жабрланишига олиб келадиган кучли таъсир этувчи заҳарли модданинг миқдори токсидоза деб айтилади. Моддаларнинг рухсат этилган миқдори деганда эса, бир кунлик миқдори узоқ вақт таъсир кўрсатган тақдирда ҳам, организмда патологик ўзгаришлар келтириб чиқармайдиган, касалланишга олиб келмайдиган миқдори тушунилади. Заҳарли моддаларнинг бир суткалик ўртача, бир марталик максимал миқдорлари белгилаб қўйилган. Бу миқдор аҳоли пунктлари ҳамда ишлаб чиқариш хоналари учун алоҳида белгиланган.

Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар босим остида суюлтирилган ҳолда сақланаётган идиш герметиклиги бузилган тақдирда, атроф муҳитга газ, буғ, айрозол ҳолатида тарқалиши кузатилади. Кучли таъсир этувчи заҳарли модданинг заҳарловчи ҳолатига ўтиши, заҳарловчи концентларни ҳосил қилиши унинг физика-кимёвий ҳоссаларига боғлиқ. Бунда уларнинг агрегат ҳолати, сувда эрувчанлиги, органик моддаларда эриш қобиляти, зичлиги, учувчанлиги, нисбий буғланиш иссиқлиги, қайнаш температураси катта аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш жараёнида, аварияларни башоратлаш ва баҳолашда ҳисобга олинади. Агар заҳарли модда атрофга тарқалиб, заҳарланиш содир бўлган тақдирда, организмга тушган заҳарли модда қон орқали барча организм ва тўқималарга ташилади, ҳамда организмни умумий заҳарланишига баъзан эса кишиларни қурбон бўлишига олиб 335 келади. Шу сабабли бундай объектларда муҳофаза тадбирларини вақтида, сифатли амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Кимёвий хавфли объектларда аввало корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизликни таъминлаш чора тадбирларига амал қилиш муҳим ҳисобланади. Бундай объектларда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: аввало ишчи ходимларни фавқулодда вазият тўғрисида вақтида хабардор қилиш учун алоқа ва хабар бериш тизимини яратиш ва иш ҳолатида сақлаш;

Фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлари режаларини ишлаб чиқиш; Фуқаро муҳофазаси хизмати ва тузилмаларини асбоб ускуналар билан жиҳозлаш ва тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш; Ишчи ходимларни шахсий химоя воситалари ва умумий муҳофаза воситаларидан тўғри фойдаланишга, фавқулудда вазиятлар вақтида ўзини муҳофаза қилиш усулларига ўргатиш; объектларда тактик махсусўқув машқлари ва машғулотларни вақтида ўтказиб туриш; объектнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида муҳандислик-техник тадбирларини амалга ошириш. КХОнинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлашда муҳандислик техник тадбирларнинг ўрни катта ҳисобланади.

Буларга: коммунал тизимларга жўмрак, сурма қопқоқ, кран каби ўчириш асбобларини ўрнатиш ва иш ҳолатида сақлаш; заҳарли газлар ишлатиладиган цехларга газанализатор, сигнализаторлар каби ҳаво таркибини назорат қилувчи асбоблар ўрнатиш; заҳарли газлар ишлатиладиган цехларнинг дераза ва эшик оралиғига ва объект территориясининг зарур жойларига сув тўсиқлари ўрнатиш; КТЭЗМ омборларини ер остига қуриш; газ балонлар сақланадиган омборларда вентиляция ускуналарини иш ҳолатида сақлаш; панажойларни доимо шай ҳолатда сақлаш; корхонада ёнғин хавфсизлиги талабларини амалга ошириш; кимёвий назорат постларини жиҳозлаш ва шай ҳолатда сақлаш. Кимёвий хавфли объектларда хавфсизлик талабларининг бажарилганлиги фақат корхона ишчи ходимларининг саломатлигини сақлашда эмас, балки атрофдаги аҳоли хавфсизлигини, атроф муҳитни асрашда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

1. Sharipova Lobar, Хусенов Мурод. YUKSAK MA`NAVIYATLI YOSHLAR JAMIYATNING TAYANCHIDIR. INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL ISSUE 12 (33) Part 2 Б. 177-181.
2. Лобар ШАРИПОВА. ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МОДДИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ pedagogik mahorat ilmiy-nazariy va metodik jurnal 5-son (2020-yil, oktabr) В. 81-84
3. Шарипова Л.О. КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ. Замонавий кимёнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокидаги онлайн илмий-амалий анжумани материаллар тўплами 4-5 декабр 2020 Б. 41 – 43
4. Шарипова Л.О. ИННОВАЦИОННЫЙ МЕТОД УТИЛИЗАЦИИ РЕЗИНОТЕХНИЧЕСКИХ ИЗДЕЛИЙ И ПЛАСТМАСС Замонавий кимёнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокидаги онлайн илмий-амалий анжумани материаллар тўплами 4-5 декабр 2020 Б. 73 – 74

КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ. Шарипова Л.О.	41
---	----

ИННОВАЦИОННЫЙ МЕТОД УТИЛИЗАЦИИ РЕЗИНОТЕХ- НИЧЕСКИХ ИЗДЕЛИЙ И ПЛАСТМАСС. Шарипова Л.О.	73
--	----